



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Инновацион банк хизматларини кўрсатишнинг назарий асослари

Хусанов Қахрамон Нишонович

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: husanov.kahramon@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 04.08.2022

Қабул қилинган вақти: 08.08.2022

Калит сўзлар: банк, инновация, банк инновацияси, рақамли банклар, банкнинг инновацион маҳсулотлари, инновацион механизм.

Аннотация

Ушбу мақолада банкларнинг инновацион фаолиятининг моҳияти, банклар фаолиятида инновацияларнинг зарурияти, банкларнинг айрим инновацион хизматлари ҳолати таҳлиллари кўрсатиб ўтилган. Банк инновацион фаолиятининг аҳамияти юзасидан хулосалар келтирилган.

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг маҳсулот ва хизматларига талаб мавжуд экан, улар ҳам фаолият кўрсатади. Тижорат банклари ривожланиш стратегиясида асосий йўналиш сифатида янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ёки уларни модернизация қилишга эътиборларини қаратадилар. Лекин шунга қарамай, банкларнинг инновацион сиёсати йўл қўйиш мумкин бўлган рисклар даражаси ва максимал даромадлиликдан иборат бўлиши лозим. Кўпгина иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири остида банк маҳсулотлари ва хизматларининг эволюцияси амалга оширилмоқда, “афсуски банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда” (Президент мурожаатномаси, 2020). Шу нуқтаи назардан банклар хизмат турларини такомиллаштириб бормас экан, улар даромадини ва мижозлар сонини кескин ошириб бориш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли фармонида банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-

босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, кам харажатли хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республика ягона молия тизимининг ўзаро тўлдирувчи қисми сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш учун 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланди (Президент мурожаатномаси, 2020).

Адабиётлар шарҳи

Республикаимиз тижорат банклари учун инновацион банк маҳсулотлари ва хизматлари рақобатбардошликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Айни пайтда банк мижозларида масофадан банк хизматларидан фойдаланиш имконияти ортиб бормоқда. Банк маҳсулотларининг ҳар хил турлари ва уларни яратиш хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек, янги маҳсулот ва хизматларни бозорга олиб чиқиш стратегиясини ўрганиш давр талабидир. Шунини қайд этиш керакки, мавзуга оид адабиётлар таҳлилининг ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда банк маҳсулотларининг инновациялар билан ўзаро

боғлиқлиги кўриб ўтилган.

Жумладан, И.Т. Балабанова фикрига кўра (2001) банк инновацияси - бу янги банк маҳсулоти ёки операцияси шаклида амалга оширилган банк инновацион фаолиятининг якуний натижаси. Бунда инновацион фаолият деганда “инновацияларни яратиш ва жорий этишнинг тизимли жараёни” тушунилади.

П.В. Семикова (2002) таъкидлашича банк инновацияси - бу банкнинг янги банк маҳсулоти ёки операцияси шаклида амалга оширилган инновацион фаолиятининг якуний натижасидир.

В.С. Видуловнинг (2004) таъкидлашича, банк инновацияси - бу аввалгиларига нисбатан жозибador истеъмол хусусиятларига эга бўлган банк маҳсулотини ёки потенциал харидорнинг илгари қопланмаган эҳтиёжларини қондириш ёки ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга имкон берадиган мутлақо янги маҳсулотни яратишдир бир хил маҳсулотлар учун технологиялар.

Ю.М.Склярова (2017) фикрига кўра эса, банк инновацияси –банк инновацион фаолиятининг якуний натижасида янги банк маҳсулотлари ёки операцияларини амалга ошириш шакли ҳисобланади.

Ш.З.Абдуллаева (2017) фикрига кўра, “...банк инновацияси таркибига банкларда пайдо бўлган янги банк маҳсулотлари қиради.”

Атаниязовани (2015) банк инновацияси хусусидаги фикри, бу – банк томонидан янги банк маҳсулотларини яратиш, мавжуд маҳсулотларнинг сифатини ошириш, янги технологиялардан фойдаланиш ва банклар фаолиятидаги рискларни баҳолашнинг янги усулларини жорий этиш йўли билан, мижозларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва олинаётган банк фойдаси миқдорини оширишга қаратилган фаолият натижасидир.

З.Мамадияров (2019) республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли равишда амалга оширилиши, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк мижозларига сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлаш билан бирга Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини қайд этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини амалга оширишда қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш ва эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, истиқболни прогностлаштириш, танланма адабиётлар таҳлили, шунингдек, соҳа бўйича олим ва экспертларнинг ушбу мақола мавзуси бўйича қараш ва ёндашувларидан самарали фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ушбу мақоланинг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашда дастурамал вазифасини бажарди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Юқоридаги назарий ёндашувлардан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда банк хизматлари жаҳон бозорида уч хил йўналиш энг оммалашган ва тараққий этган, чунончи:

1) ахборот технологиялари ва кибернетика технологиялари ривожланиши (оқибатда ҳисоб-китоб риск ва башорат моделларини мураккаблаштириш имконияти пайдо бўлиши, ахборот хавфсизлиги воситаларининг ривожланиши ва б.);

2) банк бизнеси юритишнинг мижозларга йўналтирилган модели жорий қилиниш;

3) тижорат банкнинг ўз бизнес жараёнларини оптималлаштириши.

Республикада масофавий хизматлардан фойдаланувчи банк мижозларининг асосий қисми АТ “Халқ банки”, АТБ “Агробанк”, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”, АТ “Алоқабанк” АТБ “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, ҳамда ТИФ “Миллий” банклари мижозларига тўғри келмоқда.

Тадқиқотларга кўра, ҳозирги вақтда мижозларга масофавий хизмат кўрсатишнинг замонавий масофавий банк маҳсулотларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкнинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали қиради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверидан жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

SMS-банкнинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун мижоз


банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг

фойдаланмоқда.


Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони
1 январь ҳолатига



1-расм Масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони
(турлари бўйича)
1 январь ҳолатига



2-расм Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлар

Республикадан ташқарида банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолият тижорат банкларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, мижозга масофадан туриб кириш орқали барча керакли операцияларни бажариш имконияти берилади.

Фикримизча, мамлакатимизда хизматларни узоқ масофалардан кўрсатиш жараёни замон талабларига мос равишда ортиб бориши тижорат банклари учун янги банк маҳсулотлари ва хизматларини кенгайтиришга ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Шундай экан, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида

тадқиқотлар ўтказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

Хулоса ва таклифлар

Масофавий банк хизматлари бозори ривожланишининг долзарб тенденцияларини белгилайдиган асосий жараёнларга қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- интенсив ривожланиши банкларга мижозларга тақдим этаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек мижозлар ва банкларнинг вақт, транзаксия ва молиявий харажатларини камайтириш имконини берадиган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- банк секторининг онлайн банк бозорининг янги сегментлари ва онлайн банк воситаларини киритиш;
- онлайн-банк бозорида банклар ўртасида рақобатнинг кучайиштириш ва мижозларнинг онлайн-банк соҳасида банк хизматлари сифатини ошириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон тижорат банкларида масофавий банк хизматлари кўрсатиш ривожланган давлатлар банклари каби юқори даражада тараққий этмаган, меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан кучли таъминланмаган. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам бугунги масофавий банк хизматлари имкониятларининг ҳуқуқий жиҳатлари акс этмаган. Боз устига, айрим тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш йўриқномалари банк веб-сайтларининг интерактив хизматлар бўлимига жойлаштирилмаган. Бу Марказий банк мазкур йўналишда қиладиган ишлари ҳали кўплигидан далолат беради. Бу эса келгусида банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли банк соҳасидаги инновацияларни жорий қилиш ва масофавий банк хизматларини такомиллаштиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида. – Тошкент, 2020.
3. И.Т. Балабанова (2001) Банки и банковское дело. - Спб: Питер, 2001. - с 208.
4. П. В Семикова.(2002) Банковские инновации и новый банковский продукт // Банковские технологии. - 2002. - Ноябрь
5. Викулов В. С. Концептуальный подход к разработке инновационной стратегий

коммерческого банка // Финансовый менеджмент. - 2004. - Май.

6. Ю.М.Скляровой Банковское дело:Учебник / под общ. ред.; Ставропольский гос. Аграрный ун-т. Ставрополь, 2017. стр 278.
7. Ш.З. Абдуллаева. Банк иши: Дарслик – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 529
8. Атиянова М. (2015) Тижорат банкларининг инновацион фаолияти хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва уларга муаллифлик муносабатлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 1, январь-февраль.
9. Мамадияров З.Т. (2019) Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истиқболлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал.